# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 28-MAY, SESHANBA, 65 (8146)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.






“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК ҳамкорлигида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси учун навбатдаги “Саломатлик” поезди хайрия акцияси ташкил этилди. “Саломатлик” поезди малакали шифокорлари жойларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришди... 2





“Қишлоқ қурилиш банк” томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, ички истеъмолни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир. Паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, гўшт, сут ва мева-сабзавотларни қайта ишлаш, шунингдек, иссиқхона хўжалигини ривожлантириш учун ҳам маблағлар йўналтирилаётир... 3





Мамлакатимиз олий ўқув юртлари талаба-ёшларининг Бухорода ўтказиладиган “Универсиада – 2013” спорт мусобақалари арафасида Бухоро давлат университети ва Бухоро муҳандислик-технология институтида янги спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


# ХАЙР, МАКТАБ, САЛОМ, КОЛЛЕЖ!

## ЎТГАН ҲАФТАДА ЮРТИМИЗДАГИ БАРЧА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА «ХАЙР, МАКТАБ, САЛОМ, КОЛЛЕЖ!» ШИОРИ ОСТИДА СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ



Барча битирувчиларнинг кўнгиллига ажиб титроқ ва ҳаяжон солиб, сўнгги қўнғироқ жаранглади. Кечагина бошланғич синфга қадам қўйган болакайлар бугун алпқомат йигит, қирқ кокил ўрилган сочларини бармоқчалари билан ўйнаган қизалоқлар катта ҳаётга улкан орзулар ҳамроҳлигида одимлашга шай.

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларини бу йил ҳам ана шундай эзгу истак ва мақсадлар билан 533 мингдан зиёд ўғил-қиз таномлади. Улар Ватанимиз равнақи, юртимиз тараққиётининг таянчи ва суянчидир.



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ таълимга, жумладан, мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини берди. Бугун аксарият билим даргоҳлари ўқитиш сифати, замонавий қулайликларга эга экани билан ҳавас қилса арзигулик даражага етди. Айниқса, соҳага илғор педагогик технологиялар татбиқ этиш, инновацион ва интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш бу борадаги ютуқларни оммалаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу эса ўсиб келаётган ёш авлодни тафаккури бой, юксак салоҳиятли, замонавий илм-фан сирларини чуқур ўзлаштирган шахс сифатида вояга етишларида ўзига хос муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, якунига етаётган ўқув йилида давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳам истеъдодли, билим ва интеллектуал салоҳият бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларимизни қўллаб-қувватлашнинг ёркин бир кўринишидир.


(Давоми 2-саҳифада)


**Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикаси Олий суди раиси Янг Син Тэ раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Бўритош Мустафоев билан учрашди.**

# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишлар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига давлат ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорликни янада юқори босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судидаги учрашувда алоҳида қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш учун соҳа мутахассислари малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилган.

Корея Республикаси Олий суди раиси Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

– Ташриф асносида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш ва адолатни қарор топтириш борасида изчил олиб борилаётган ислоҳотларнинг юксак самаралари билан танишиш имконига эга бўлдик, – деди Янг Син Тэ. – Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, истиқболда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мунтазам тажриба алмашиб туришдан манфаатдормиз.

Музокарада икки мамлакат суд идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда тажриба алмашишни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни Корея Республикаси Олий суди раиси раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида ҳам музокаралар ўтказди.

Корея Республикаси Олий суди делегацияси Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

► Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Дўрмон” ижод уйида “Истеъдод мактаби” IV республика ёш ижодкорлар семинари бошланди. Унда ёзувчи ва шоирлар, таржимонлар, олимлар, вилоятлардан келган қирқ нафардан зиёд ёш ижодкор иштирок этмоқда.

► **Шаҳрисабз туманида “Танлаган касбинг – сенинг бахтинг” шиори остида касблар фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда мактаб битирувчиларига ўзлари қизиққан ва танлаган касблари бўйича сабоқ берувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолияти, уларда яратилган шарт-шароит, имкониятлар ҳақида зарур маълумотлар берилди.**

► Сирдарё вилоятида жисмоний тарбия фани бўйича услубчиларининг республика семинар-тренинги бўлиб ўтди. Унда «Ёзги таътил — 2013» спорт мусобақаларини ўтказиш, спорт турлари бўйича мактабларда спорт тўгараклари фаолиятини йўлга қўйиш, жисмоний тарбия фанидан ўқувчиларнинг назарий билимларини янада бойитувчи мусобақаларни ташкил этиш масалалари атрофлича муҳокама этилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# ТОШКЕНТ АНЖУМАНИНИНГ ЯКУНЛАРИ ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР НИГОҲИДА

**Яқинда Токио университетида шу йил 16-17 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Замонавий уй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуидаги халқаро конференция якунларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Токио университетининг профессор ва ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда талабалари иштирокида ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур халқаро конференция очилишидаги нутқи, мамлакатимизнинг иқтисодий ва сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлди.

Тошкент халқаро конференциясида қатнашган япониялик экспертлар мамлакатимизнинг турли вилоятларига уюштирган сафарлари ва жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишидан олган таассуротларини давра суҳбатининг иштирокчилари билан ўртоқлашдилар.

**Токио университетининг профессори Йошиюки Кавазое** халқаро анжуман қатнашчилари Ўзбекистонда қишлоқ жойларда янги уй-жой мажмуаларини бунёд этиш орқали мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш юзасидан амалга оширилаётган ишларга бевосита гувоҳ бўлишганини таъкидлади. Унинг фикр билдиришича, намунавий лойиҳалар асосида қурилган қулай ва шинам уйлар ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга турли муассасалар конференция иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

**Меъморчилик ва дизайн йўналишида фаолият кўрсатадиган “Okano Planning Associates” компанияси президенти Макото Окано**нинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон қишлоқларида қурилган уйлар замонавий дизайнга эга бўлгани ҳолда миллий меъморчилик анъаналарини ҳам ўзида мужассам этган. Мазкур уй-жойлар қурилишида юқори сифатли маҳаллий хомашёлардан фойдаланилиши эса Ўзбекистонда қурилиш саноати тобора ривожланиб бораётганидан далолат беради.

– Тошкент анжумани бутун дунёдан келган экспертларга ўзаро фикр алмашиш, меъморчилик, қурилиш ташкилотлари ва тармоқ ўқув муассасалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш юзасидан учрашувлар ўтказишнинг имконини берди, – деди М.Окано.

**Япония Ердан фойдаланиш, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлигининг вакили Кончи Ямашита** юртимиз қишлоқларида уй-жой қурилиши янги иш ўринларининг яратилиши ва жойларда йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоялар жалб этишга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш Япония учун ҳам долзарб аҳамият касб этишини таъкидлар экан, К.Ямашита қишлоқларни ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини юксалтириш бўйича Ўзбекистон тажрибасига бағишланган туркум мақолаларни Япония матбаа нашрларида чоп этиш истагида эканлигини маълум қилди.

**Япония Қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар уюшмасининг Техникавий қўмитаси раиси Мицуаки Кавамура** Ўзбекистон қишлоқларида уй-жой қурилиши бўйича амалга оширилаётган ишлар мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётига хизмат қилажагини қайд этди.

– Тошкент халқаро анжумани юксак даражада ташкил этилди, – деди у. – Конференция қатнашчилари қишлоқларда уй-жой қурилишига оид масалаларни муҳокама қилиш ҳамда сермаҳсул учрашув ва музокараларни ўтказиш имконига эга бўлдилар.

**Токио университетининг Меъморчилик факультети докторанти Масатами Хара** ўзининг илмий тадқиқотида қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича Ўзбекистон ва Япония тажрибасини қиёсий жиҳатдан ўрганиш истагида эканлигини маълум қилди. Шунингдек, М.Хара мазкур конференциядаги иштироки чоғида қишлоқ шароитида уйларни лойиҳалаштириш ва бунёд этишга оид зарур маълумотларни қўлга киритганини айтди.

**“Жаҳон” АА**

*Токио*

# СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

**Экспертларнинг фикрича, содир этилган жиноятларни тез ва тўлиқ очиш орқали кейинги ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш мумкин. Мазкур жараёнда суд экспертизасининг замонавий имкониятларидан кенг фойдаланиш юқори самара беради. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда атрофлича сўз юритилди.**

Таъкидланганидек, суд экспертизаси дастлабки тергов ва одил судлов самарадорлигини оширишда, бинобарин, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида суд экспертизаси фаолиятини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда суд экспертиза муассасаларини замонавий криминалистик ва таҳлилий ускуналар билан жиҳозлаш изчил давом эттирилаётганига батафсил тўхталинди. Бундай ускуналар ёрдамида гувоҳларсиз содир этилган қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш, шунингдек, янги технологиялар ва текширув усулларини кенг қўллаш мумкинлиги қайд этилди.

Маълумки, Адлия вазирлиги ҳузурида Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази ва унинг 8 та минтақавий бўлими фаолият олиб бормоқда. Малакали эксперт кадрларга эга ушбу марказ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга турли жиноятларни очишда зарур амалий ёрдам бериб келмоқда.

Айни пайтда марказда қатор янги турдаги экспертизалар ўтказилмоқда. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида 37 та мутахассислик бўйича экспертиза тадқиқотлари олиб борилган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 54 тани ташкил қилмоқда.

Тадбир давомида мамлакатимиздаги суд экспертизаси имкониятлари хорижлик экспертлар томонидан юксак баҳоланаётгани ҳам айтиб ўтилди. Марказ мутахассислари тақдим этаётган суд-фонография, одам ДНКси суд-биологик экспертизалари ва компьютер ёрдамида ясалган қалбаки ҳужжатларни текшириш услублари юқори илмий даражага эга экани билан эътирофга сазовор бўлмоқда.

Матбуот анжумани якунида журналистларни қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

**Сайидодил САЙИДИСЛОМОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# БМТ БОШ КОТИБИ ЁРДАМЧИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

**Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ёрдамчиси Иван Симонович раҳбарлигидаги делегация аъзолари 27 май куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлюбов билан учрашди.**

Мулоқот чоғида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига асосланган миллий ҳуқуқий тизим яратилгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасидаги конвенция, шартнома ва битимларга қўшилган ҳамда бу борада ўз зиммасига олган барча мажбуриятларни бажариб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ўтган мулоқотда меҳмонларга мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари тизими, ички ишлар идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида маълумот берилди.

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Муннинг 2010 йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга ташрифининг мантиқий давоми бўлган ушбу ташрифимиздан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишишдан иборат, – деди Иван Симонович. – Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистонда ички ишлар органлари учун ходимларни тайёрлаш, ўқитиш ва малакасини ошириш йўлида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда. Бу борада Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш, жумладан, соҳада турли лойиҳаларни амалга ошириш тарафдоримиз.

Шу куни делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судида ҳам бўлиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича яратилган миллий институтлар тизими, соҳадаги халқаро ҳамкорлик тўғрисида фикр алмашди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Qishloq HAYOTI
2013 йил 28 май

# ХАЙР, МАКТАБ, САЛОМ, КОЛЛЕЖ!

(Боши 1-саҳифада)

Халқ таълими вазирлигининг ахборот хизмати маълумотларига кўра, мазкур қарор асосида мамлакатимизда чет тиллари бўйича узлуксиз таълим тизимининг давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиб, таълимнинг барча босқич битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар белгиланди. Узлуксиз таълим тизимининг Давлат стандартлари “Чет тилини билишнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўргатиш ва баҳолаш”(CEFR) талабларига таянган ҳолда ишлаб чиқилди. Мазкур стандартлар асосидаги 1-9 синфлар учун ўқув дастурларини ҳар бир чет тили бўйича алоҳида-алоҳида яратиш ишлари жорий йилнинг 1 май кунигача якунланди.

Айни пайтда халқ таълими тизимида 9765 та умумтаълим мактаби, 304 та мусиқа ва санъат мактаби, 445 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 211 та “Баркамол авлод” маказлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 2012 йилда 363 та таълим муассасаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, 14 та уй-жой массивларида янги мактаблар барпо этилди. Бундан ташқари, 187 та мактаб реконструкция қилиниб, 162 та мактаб таъмирланди. Жорий йилда эса 381 та таълим муассасасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиши кўзда тутилган. 2012-2013 йили учун 182 номдаги 11 миллон 240 минг 943 нусха дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар чоп этилган бўлса, 2013-2014 ўқув йили учун 361 номда 21 миллион 977 минг 370 нусха дарслик ва ўқув методик қўлланмалар чоп этилиши кўзда тутилмоқда.

Ёш авлодни ўқиб таълим олишлари учун яратиб берилаётган бундай имкониятлар самараси ўларок, тугаётган ўқув йили давомида 40 нафар ўқувчилар турли халқаро танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлди. 53 та халқаро спорт мусобақаларида 707 нафар (шундан 260 нафари қизлар) ўқувчилар иштирок этиб, жами 204 та шундан, 81 та олтин, 61 та кумуш ва 62 та бронза медалларини қўлга киритди.

Ҳа, бугун ҳар бир ўзбек йигит-қизининг одимлари дадил, бахтиёр дилида эзгу тилак, орзу интилишлари юксак.

– Мен учун қадрдон мактаб билан хайрлашиш, ниҳоятда ҳаяжонли бўлди, – дейди Паркент туманидаги 12-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулфира Жўраева. – Эндиликда мактабда устозларимдан олган билимларимга таяниб, ўқишимни тиббиёт коллежида давом эттирмоқчиман. Келажакда инсонлар дардига малҳам бўлиб, элу юртимизга чин дилдан хизмат қиламан.

Бугунги кунда ёшларимизни таълим жараёнларини давом эттиришида уларни касб-ҳунарга йўналтириш, шахс сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида касб-ҳунар коллежларининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мактабда таълимни тамомлаган ўқувчи таҳсилни касб-ҳунар коллежида давом эттириб, ўзида қизиқиш ва иштиёқи бор касб-ҳунар сирларини эгаллаб тайёр мутахассис бўлиб чиқаётир. Келажакда у ўқишни давом эттириши ёки бирор корхона ташкилотда иш фаолиятини бошлаши мумкин. Муҳими, бугун касб-ҳунар коллежини тугатган ёшларимизнинг “Нима қилсам экан?” деб боши қотмайди. Чунки у ўзи меҳр қўйган касб-ҳунар эгаси.

Айтиш жоизки, якунланаётган ўқув йилида ҳам ўқувчиларни таълимнинг кейинги бочқичига ўтказиш билан боғлиқ барча тадориклар кўриб қўйилган. Битирувчилар ўз хоҳиш-истаги ва қобилиятига кўра, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида таълимни давом эттирадилар. Бу борада олиб борилаётган ишларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 майдаги “2013-2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарори айни муддао бўлди. Қарорда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўзлари танлаган ва иқтисодиёт тармоқларида эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассисликлар бўйича касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитишни тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилган. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз – мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам – буларнинг барча-барчаси, аввал амбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**

Қашқадарё Вилояти

**Қашқадарё бошоқли дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида ғаллачиликни ривожлантиришга бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда ИКАРДА, СИММИТ, ФАО халқаро ташкилотлари, Венгрия, Эрон, Ҳиндистон, Россия, Португалия, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон ва бошқа 20 га яқин давлатдан келган олимлар ҳамда республикамиздаги ғаллачилик билан шуғулланувчи илмий муассасалар тадқиқотчи мутахассислари иштирок этдилар.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

## ҒАЛЛАЧИЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу институтда республикамиз тупроқ-иқлим шароитларига мос, қурғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил, дон сифати юқори бўлган қаттиқ ҳамда юмшоқ буғдой навларини яратиш, уларнинг бошланғич уруғчилиги тизимини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил июнь ойида мазкур институтга ташрифи, унда олимлар олдига жанубий иқлимга мос, янги буғдой навларини яратиш борасида қўйган муҳим, шу билан бирга, долзарб вазифалари бугунги кунда ўз ижросини топмоқда. Буни ушбу илм даргоҳида ташкил этилган халқаро семинар қатнашчилари ҳам алоҳида таъкидладилар.

Иштирокчилар дастлаб институтнинг Қарши туманидаги тажриба майдонида ўрганилаётган кузги юмшоқ ва қаттиқ буғдой навлари ҳамда бошқа нав намуналари билан танишдилар. Шунингдек, улар Германиянинг Бонн университети билан ҳамкорликда олиб борилаётган шўрга чидамли навлар яратишдаги илмий изланишлардан воқиф бўлишди. Эътиборли томони шундаки, институтнинг дала тажрибаларида услубий жиҳатдан халқаро андозаларга мос илмий изланишлар олиб борилаяпти. Қарши туманидаги 9,6 гектар тажриба майдонида бошоқли дон экинларининг 4964 та нав ва нав намуналари, янги яратилган линиялар ўрганилмоқда. Таҳлиллар шундан далолат беряптики, бугунги кунда иссиқликка, қурғоқчиликка, касаликка чидамли серҳосил, дон сифати юқори бўлган “Яксарт”, “Туркистон”, “Ҳазрати Башир”, “Ғозғон”, “Эломон” каби янги яратилган навлар истиқболли навлар қаторига киритилди. Бундан ташқари, кузги юмшоқ буғдойнинг “Ҳисорак”, “Бунёдкор”, “Фаровон”, “Барҳаёт” навлари ҳамда қаттиқ буғдойнинг “Мингчинор” нави Давлат нав синаш комиссиясида синовдан ўтказилмоқда.

Институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Бу ерда Марказий Осиё ва Кавказ орти давлатларида ягона бўлган “Занг касалликларини таҳлил қилиш” лабораториясини бунёд этилди. Ушбу лаборатория олдида турган асосий вазифа янги яратилган нав намуналари ҳамда линияларини занг касалликларига чидамлилигини ўрганиш, селекция жараёнини қисқартиришдан иборатдир. Бугунги кунда ҳам республикамизда кузатилаётган занг касалликлари расаларини аниқлаш, уларнинг ривожланиш фенологияси ҳамда эпидемиологиясини тадқиқ этиш борасида илмий изланишлар олиб бориляпти. Мазкур лабораторияда айни пайтда нав намуналарининг қўнғир ҳамда сариқ занг касалликларига чидамлилигини ўрганиш мақсадида 400 дан ортиқ нав намуналари синовдан ўтказилаяпти.

– Биз мазкур институтдаги замонавий лаборатория жиҳозлари, асбоб-ускуналарни кўриб ҳайратимизни яширолмадик, – дейди венгриялик олим Отто Вейез. – Бунинг учун давлатингиз раҳбари ва ҳукуматингиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишларга тасаннолар айтамиз.

– Ушбу илмий тадқиқот институтидаги бизни қувонтирган жиҳат шунда бўлдики, бу ерда асосан ёш илмий ходимлар фаолият кўрсатишмоқда, – дейди ФАО мутахассиси Марта да Силва Сабино Лопес. – Институт илмий ходимлари ўзларининг дала тажрибалари, илмий изланишлари ҳақида инглиз тилида сўзлаб беришди. Ёш илмий ходимлар хорижий юртларда малака ошириб қайтишган. Шунинг ўзи ҳам ёшларнинг илм-фанга чанқоқлигини кўрсатиб турибди.

Анжуманда ғаллачиликни ривожлантириш борасидаги ишлар атрофлича таҳлил этилди. Тадбир қатнашчилари Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларидаги ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари экин майдонларини кўздан кечириб, Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институти Ғаллаорол филиали ҳамда Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институтида олиб борилаётган илмий изланишлар билан яқиндан танишдилар.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Тошкент Вилояти

**Вилоят маънавият ва маърифат марказида вилоят ҳокимлиги, “Ўзбекистон ипаги” уюшмаси билан ҳамкорликда пиллачилар, мутахассислар туман хотин-қизлар қўмиталари ва қишлоқ фуқаролари йиғини раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда пиллачиликни ривожлантиришга оид лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётганлиги соҳа ривожида юксак самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.**




Обод турмуш йилида вилоятда 1,5 минг тонна сифатли кумуш тола етиштириш режалаштирилган. Бунинг учун 3,5 мингдан зиёд фермер хўжаликлари билан шартномалар тузилди. Пиллачиларга 18 минг қути ипак қурти уруғлари тарқатилди. Шунингдек, вилоят “Пахтасаноат” бирлашмаси таркибидаги пахта тозалаш корхоналари ҳам бу йилги мавсумда алоҳида жонбозлик кўрсатдилар. Улар томонидан туманларда барпо этилган замонавий пиллахоналарда 750 қути ипак қурти парваришланиб, 45 тонна хомашё етиштириш белгиланган. Ипак қуртлари маҳсулдорлигини ошириш ва кўзланган ҳосилни етиштириш мақсадида 80 гектар ерда интенсив тутзорлар барпо этилди. Айни пайтда вилоят пиллачилари ҳосилни йиғиштириб олишни қизғин давом эттиряпти.

– Бу йил туманимизда 2500 қути қурт парваришланди, – дейди Чиноз тумани “Бош пиллахона” масъулияти чекланган жамияти ҳосилоти Райимбой Мамедов. – Барча шарт-шароитлар етарли бўлганлиги боис парвариш даври ҳар томонлама муваффақиятли ўтди. Пиллачиларимиз ўз муддатида кутилган натижаларга эришмоқдалар.

Тадбирда вилоятда пилла етиштиришда энг юқори натижаларга эришган 30 нафар пиллачига уюшманинг махсус совғалари ҳамда ташаккурномалари топширилди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

▼ «БИТИРУВЧИ — 2013»

# ИЛМУ ҲУНАР ОЛАМНИ ОБОД АЙЛАР

**Термиз шаҳридаги “Сурхон” спорт мажмуасида вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълими, вилоят халқ таълими, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари, Термиз давлат университети ҳамда “Камолот” ЁИҲ вилоят кенгаши ҳамкорлигида “Битирувчи ёшлар — Президент фарзандлари” шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**



Фестивалнинг очилишида таъкидландики, жорий йилда вилоятдаги 5 та академик лицей ва 116 та касб-ҳунар коллежида 142 мингдан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларнинг 43 минг 240 нафари битирувчидир. Олиб борилган ишлар натижасида битирувчиларнинг аксарияти ишли бўлмоқда. Яъни корхоналар буюртмаси асосида 25 минг 91 нафари бўш иш ўринларга, 15 минг 13 нафари эса квотали янги иш ўринлари билан таъминланаётир.

Тадбирда уч юздан ортиқ ташкилот, корхона ва муассасалар ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, ишлаб чиқараётган турли хилдаги маҳсулотлари кўргазмасини намойиш этишди.

— Корхонамизда 33 хилдаги сифатли қурилиш, темир-бетон маҳсулотлари тайёрланмоқда, — дейди “Сурхон комбинат” МЧЖ бош ҳисобчиси Бахтиёр Ражабов. — Яқинда Хитой давлатидан қиймати 380 минг долларлик тошни қайта ишлаш технологиясини олиб келдик. Натижада корхонамизда яна ўнлаб иш ўринлари яратилди. Фестивалга биз айнан ўзимизга зарур бўлган ёш муҳандис, технолог ва пайвандчи кадрларга эга бўлиш ҳамда уларни иш фаолиятимизга қизиқишини ошириш учун келдик.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бу йил вилоят бўйича барча йўналишларда қарийб 66 мингта янги иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари эгаллаган мутахассисликлари бўйича меҳнат бозоридаги талабга мувофиқ иш билан таъминланади. Бундан ташқари, муҳтарам Президентимизнинг тегишли қарорлари асосида воҳада узумчилик, балиқчилик, асаларичилик, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурларининг қабул қилиниши — касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тўла иш билан таъминланишига замин яратмоқда. Чунончи, бу йил битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида тижорат банклари томонидан қарийб 3,1 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши режалаштирилганлиги ҳам давлатимиз томонидан ёшларга бўлган алоҳида эътибор ва ғамхўрликдан нишонадир.

Фестиваль доирасида мана шундай имтиёз ва имкониятдан фойдаланган ҳолда ўзининг бизнес ғояси билан чиқиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчи ёшлардан 25 нафарига тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Мен ҳам тадбиркорларга ҳавас қилиб, маҳалламиз ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини замонавий минитехнология асосида қайта ишлайдиган кичик корхона очишни орзу қилиб юрардим, — дейди Термиз саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Висола Хонназарова. — Қарангки, бу бизнес лойиҳам асосида 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш сертификатини қўлга киритдим. Ўқишни тамомлагач, ўзимнинг тадбиркорлик фаолиятимни бошлайман.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# «САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ ВОҲА ТУМАНЛАРИДА

**“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси ва “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК ҳамкорлигида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолиси учун навбатдаги “Саломатлик” поезди хайрия акцияси ташкил этилди.**

Мазкур хайрия акцияси “Обод турмуш йили” Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2009–2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи, айниқса, эҳтиёжманд оилаларга инсонпарварлик ёрдамларини амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Тошкент–Сариосиё–Қумқўрғон–Бойсун–Оқработ–Деҳқонобод–Тошкент йўналишида ҳаракатланган “Саломатлик” поезди малакали шифокорлари жойларда бўлиб, соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришди. Маҳаллий аҳоли кардиолог, ЛОР, эндокринолог, педиатр, терапевт, невропатолог, гинеколог, стоматолог ва бошқа малакали тиббиёт шифокорлар кўригида бўлиб, УЗИ, рентген каби тиббий ускуналар ёрдамида тиббий текширувдан ўтказилди.

– Ушбу хайрия акцияси давомида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари аҳолисига ҳамда даволаш-профилактика муассасаларига озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари ва санитария-гигиена воситаларидан иборат қиймати 287,5 минг АҚШ доллари ва 42,5 миллион сўмга тенг инсонпарварлик юклари – ёрдам етказиб берилди, – дейди “Саломатлик” поезди раҳбари Дилфуза Якубова.

– Замонавий ускуналарда малакали шифокорларнинг иштирокида сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятининг яратилиши марказдан олисдаги аҳоли учун катта мадад, – дейди оқработлик уй бекаси Гулсара Хўжақулова. – Бундай ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбари, ҳукуматимиз ва хайрли ишда қатнашган барча ташкилотчиларга раҳматлар айтамиз.

**Ўз мухбирларимиз**

# ҲАМКОРЛИКДА ИШОНЧ УСТУВОР

## Бу ҳам тадбиркор, ҳам банк фаолиятининг барқарор ривожига хизмат қилмоқда

**Ангор тумани Баҳор маҳалласида яшовчи Зафар Номозов томорқасидан яхши даромад олиб келмоқда. Унинг ихтиёрида учта иссиқхона бор. Доимий меҳнат қилиш ва даромад топиш имконияти яратилган.**

– Бунга эришишимизда “Микрокредитбанк”нинг ҳам мадади катта бўлди, – дейди у. – Иссиқхонамизнинг учинчиси банкнинг туман филиали ажратган кредит ҳисобига бунёд этилди. Иссиқхонамиз енгил конструкцияли, аммо даромади салмоқли. Асосан лимон етиштирамиз. Кўчатлар орасига помидор, бодринг экамиз. Умуман олганда, йиллик даромадимиз йигирма миллиондан ошади. Олдимизда режаларимиз кўп. Уларни амалга оширишда ҳам банк мададига суянамиз.

– Бундан салкам ўн йил муқаддам “Рўзихўжа” хусусий корхонасини ташкил этиб, фаолият бошлаган эдик, – дейди учқудуқлик тадбиркор Гулнора Рўзиева. – Ўтган йиллар мобайнида “Микрокредитбанк” билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Банкнинг ишбилармонликни ривожлантиришга қаратилган турли хил кредитларидан мақсадли фойдаланиб, фаолиятимизни тобора кенгайтиряпмиз. Хусусан, 2009 йилда банкнинг 41 миллион сўмлик микролизинги ҳисобига хориждан тузни қайта ишлаш ускунасини харид қилгандик. 2011 йили эса яна 98 миллион сўмлик микролизинг эвазига тузни қадоқлаш технологиясини келтирдик. Айни пайтда ушбу замонавий ускуналар ёрдамида бир кунда 3 тоннагача ош тузини қайта ишлаб, йодлаб, қадоқлаб олаяпмиз. Корхонамизда 15 нафар киши меҳнат қилади. Хомашёнинг туманимизда мавжудлиги ишимиз унумдорлигини оширмоқда. Ҳар бир ишимизда банкнинг мададини сезиб келяпмиз.

Булар мижозларининг молия муассасаси ҳақидаги фикрларидан эди. Кўриниб турибдики, оддий деҳқоннинг иши юришиб кетишидан тортиб, корхоналарнинг тараққий этишигача бўлган жараёнда молия муассасаларининг ҳиссаси ошиб бормоқда.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз молия-банк тизими ликвидлигини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Натижада тижорат банкларининг капитали ортиши, депозитлар ҳажми кўпайишига, пировардида эса мижозларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиёт равнақига хизмат қилиш имконияти янада кенгайди.

2013 йилнинг биринчи чорагида “Микрокредитбанк” ОАТБ жамоасининг банк капиталлашув даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлари банкнинг кредитга лаёқатлилик бўйича халқаро рейтингларни олишига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, 2013 йил февраль ойида “Фитч Рейтингс” халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкнинг кредитга лаёқатлилик рейтинглари “В” “Барқарор” даражаси қайта тасдиқланди.

Банк зиммасига юклатилган устувор вазифалардан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микромолиявий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш ҳисобланади. Шу мақсадда “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили асосида қатор ишлар амалга оширилаётир. Молия муассасасининг барча филиалларидаги “Тадбиркорлар хонаси”да маслаҳат ва зарурий маълумотлар бериш мақсадида юқори малака ҳамда тажрибага эга бўлган масъул ходимлар ишлаб турибди. Фуқароларнинг фикр – мулоҳаза ва эътирозлари “Банк ва мижоз: жонли мулоқот” кунларида мунтазам ўрганиб борилмоқда.

Обод турмуш йили муносабати билан жорий йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, БМТнинг UNWOMEN тузилмаси ҳамкорлигида “Микрокредитбанк” кўмагида “Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш” лойиҳаси доирасида гуруҳ кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоя микрокредитлари ажратиш лойиҳасининг 2 босқичи амалга оширила бошланди. Ушбу лойиҳа қўлида ҳунари бўлган, ўзи маблағ топишни истаётган аёлларни бирлаштирган, уларнинг иқтисодий саводхонлигини оширган, пул жамғаришни ўргатаётган ҳар бир аёлнинг иқтисодий ҳаётига ижобий таъсир ўтказади. Ушбу мақсадда банк мутахассислари томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида Қонликўл, Қарши, Тошлоқ, Фориш, Мирзаобод, Юқори Чирчиқ туманларида ўзаро ёрдам гуруҳларини билим даражаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди. Гуруҳ аъзоларининг мақсад фаолиятлари йўналишидаги бизнес-режаларини ишлаб чиқишда амалий кўмак берилди. Гуруҳларга жалб этилган 500 дан ортиқ аёллар ўзаро ёрдам гуруҳларига бирлашдилар. Кредит олиш учун зарурий таъминотга эга бўлмаган ушбу аёлларга ўзаро гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялардан фойдаланиш имкониятлари яратиб берилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида “Микрокредитбанк” томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 733 нафар тадбиркор аёлга 3,7 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Банк томонидан оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳам ўз самарасини бермоқда. “Микрокредитбанк” томонидан оилавий, хусусий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик субъектларига 6,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани ҳам фикримиз далилидир.

Молия муассасаси ўзининг фаолияти давомида меҳнат бозорига кириб келаётган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида битирувчиларга 3,9 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Бу борада амалга оширилган ишлар натижаси яқинда бўлиб ўтган “BANKEXPO–2013” – банк тизими технологиялари, ускуна ва хизматлари олтинчи анъанавий миллий кўргазмасида ўз тасдиғини топди. Тадбирда банк томонидан аҳоли ва тадбиркорлар учун тақдим этилаётган кредитлар, микролизинг хизматлари, омонат турлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Айниқса, “Обод турмуш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари, ёш оилалар, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига таклиф этилаётган банк хизматлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмада ташкил этилган танловнинг “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-кувватловчи энг яхши банк” номинациясида “Микрокредитбанк” ғолиб деб топилди.

Банк жамоасининг мижозлар билан ишлашда янгича ёндашувлари тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбиркорлар томонидан тақдим этилаётган истиқболли бизнес-режа ҳамда лойиҳалар эса доимий эътиборда. Сирасини айтганда, банк жамоаси Обод турмуш йилида юрт ободлиги, ватан равнақига муносиб улуш қўшишни ният қилган тадбиркорларнинг яқин ҳамкори бўлиб келмоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ**

Бухоро Вилояти



**Мамлакатимиз олий ўқув юртлари талаба-ёшларининг Бухорода ўтказиладиган "Универсиада – 2013" спорт мусобақалари арафасида Бухоро давлат университети ва Бухоро муҳандислик-технология институтида янги спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

# ЯНГИ СПОРТ ИНШООТЛАРИ

Мазкур замонавий иншоотларда баскетбол, қўл тўпи, мини футбол, волейбол, гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш учун ҳам зарур барча шарт-шароит яратилган.

– "Универсиада – 2013" баҳсларига тайёргарлик жараёнида реконструкция қилинган ва янгидан бунёд этилган иншоотлар университетимиз талаба-ёшларини спортга янада кенг жалб этиш, уларнинг маҳоратини ошириш, халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлашда пухта замин бўлади, – дейди Бухоро давлат университети ректори Зокирхўжа Тожихўжаев.

Бухоро давлат университетининг янги спорт зали билан бир вақтда университет спорт мажмуаси ҳам замонавий қиёфа касб этди. Бу ерда реконструкция ишлари амалга оширилди. Универсиада мусобақалари тақвимига кирувчи футбол баҳслари ўтказиладиган стадионда спортчилар ва мухлислар учун барча қулайлик яратилди. Югуриш йўлаклари, баландликка ва узунликка сакраш, найза улоқтириш, мини футбол, баскетбол, волейбол, теннис майдончалари ҳам замонавий талабларга мос ҳолга келтирилди.

**Э.ЁДГОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

○ **Реклама ва эълонлар**


## Qishloq Qurilish Bank




**БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

**"Меҳр"** — муддати 1 ой
**"Нишона"** — муддати 3 ой
**"Барҳаёт"** — муддати 12 ой
**"Обод турмуш"** — муддати 24 ой
**"Ишонч"** — муддати 6 ой

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**

**"Benifit"** — муддати 1-3 ой

***Қуйидаги омонат тури намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:***

**"Мадад"** — 1 йилдан кам бўлмаган муддатга

**Ушбу омонат турларига банкнинг барча филиалларида маблағ қабул қилинади.**

| | |
|---|---|
| 1. Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) 150-77-21 |
| 2. Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) 150-79-19 |
| 3. Андижон минтақавий филиали | (374) 222-23-72 |
| 4. Фарғона минтақавий филиали | (373) 229-70-91 |
| 5. Наманган минтақавий филиали | (369) 223-04-37 |
| 6. Бухоро минтақавий филиали | (365) 223-92-21 |
| 7. Самарқанд минтақавий филиали | (366) 210-02-49 |
| 8. Қашқадарё минтақавий филиали | (375) 771-04-26 |
| 9. Сурхондарё минтақавий филиали | (376) 770-83-72 |
| 10. Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 224-22-15 |
| 11. Хоразм минтақавий филиали | (362) 227-48-15 |
| 12. Сирдарё минтақавий филиали | (367) 221-00-71 |
| 13. Жиззах минтақавий филиали | (372) 771-63-38 |
| 14. Навоий минтақавий филиали | (436 770-27-97 |

***Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ - 4057 - сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.***

**Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93**
**www.qqb.uz**

***Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!***

*Хизматлар лицензияланган.*



## LADA БИЗНЕС

*от дилера «SARDOR AVTO INVEST»*




**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**



**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**



**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**



**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**



**ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:**
**Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.**
**Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.**
**(+99895) 177-01-17.**
***Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz***



www.suvmash.uz

Сертификатланган
ISO 9001:2008

## SUVMASH



Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш., Ҳусайн Байқаро кўч.,13.
Тел.:(998-71) 295-13-00; 295-06-34; 295-06-35; 295-06-37;
295-19-08 Факс:(998-71) 295-51-08 e-mail:sales@suvmash.uz;
office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru www.suvmash.uz

**ЭЦВ, Д, К, НК, ГрУ, АД2000-21, А50ГО, А30ГЦ, А40ГЦ, СНЭ200/5, УПП200/5 насослари тайёрлайди.**



## АГРОТЕХНИКА



- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Гусеницали тракторлар
- Прессподборщик
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка ўрадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Пахта экадиган сеялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор погрузчик, бульдозер
- Траншеекопатель, ямобур

(+99871) 150-58-58
150-68-68
(+99890) 928-80-20

Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz

SN INVEST
Маҳсулот сертификатланган



## Автомобили УАЗ от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

UAZ

Центры продаж в Ташкенте:
Тел./факс:
(8 371) 215-09-11; 215-18-17
Телефон:
(+99891) 162-99-99;
(+99898) 303 90 09;
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте:
www.sardor-avto.uz



УАЗ Patriot (comfort) ПИКАП



Товар сертифицирован



## ПРЕССПОДБОРШИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

«AgtecH Agri» шуъба корхонаси Тошкент шаҳридаги омборхонадан Италияда ишлаб чиқарилган хашак, сомон йиғиш (прессподборшик) техникасини таклиф этади.




Шунингдек,
JoHN DEERE
компаниясининг барча турдаги қишлоқ хўжалик техникалари етказиб берилади.

Техникаларнинг кафолат муддати бир йил ҳамда сервис хизмати кўрсатилади.

Манзил: Тошкент ш.
Навоий кўчаси, 3/75.
Телефонлар: (+99871) 244-69-79;
(+99871) 241-02-29;
E-mail: info@agtec.eu www.agtech-agri.uz

Хизматлар лицензияга эга.


"GLOBAL-AVIA" МЧЖнинг (ИНН 301720281) Устав фонди 43 000 000 сўмдан 16 843 877 сўмгача камайтирилди. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Ниёзбек йўли кўч. 7-60.

"BAKTRA-TEX" МЧЖ (СТИР 301368030) устав фондини 2 585 389 251 сўмдан 2 290 389 251 сўмга камайишини маълум қилади. Даъво аризалари Тошкент вил. Зангиота т. Назарбек ҚФЙ Ҳ.Олимжон кўч. 1-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Утерянный диплом № 004904 (рег. № 3720) выданный Ферганским Медицинским Учебным Заведением 10.07.1997 г. на имя Платоновой Оксаны Михайловны, считать недействительными.

Утерянный план квартиры по адресу: г. Ташкент Чиланзар 10-34-17, выданный Чиланзарским БТИ на имя Расуловой Нозимахон Жахангировны, считать недействительным.

"ANGOR TEXTILE" шўъба корхонасининг (ИНН 302574090) ташкилий-ҳуқуқий шакли "ANGOR TEXTILE" МЧЖга ўзгартирилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вил. Ўрта Чирчиқ т. Ангор ҚФЙ, Изовул маҳалласи ёки тел.: +998(95) 170-40-74 орқали қабул қилинади.

ЧП "SABRINABONU SAVDO BARAKA" (ИНН 302112364) зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 003192-06, 05.10.2011 г.), расположенное по адресу: м-в Сергели-5 ул. Алавия возле дома 6А, сообщает о своей реорганизации путем преобразования в ООО "SABRINABONU SAVDO BARAKA". ООО "SABRINABONU SAVDO BARAKA" является правоприеемником по всем правам и обязанностям ЧП "SABRINABONU SAVDO BARAKA". Претензии принимаются по тел.: (99890) 982-38-30 в течении 3 месяцев.

ООО "RENAISSANCE AGRO" (ИНН 302148106) зарегистрированное ИРСП при хокимияте Яккасарайского р-на г. Ташкента (№ 006358-11, 20.09.2012 г.) уведомляет (на сотовании Протокола общего собрания участников № 5 от 27.05.2013 г.) об уменьшении Уставного капитала с 166 000 000,00 сум и установлено в размере 163 700 000,00 сум.

ООО "LICHTMATRIX ASIA" (ИНН 302470292) зарегистрированное ИРСП при хокимияте Чиланзарского р-на г. Ташкента (№ 008517-08 от 23.01.2013 г.) уведомляет (на основании Протокола общего собрания участников № 1 от 27.05.2013 г.) об уменьшении уставного капитала с 350 000 000,00 сум до 14 500 000,00 сум.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (30.03.2011 й., реестр № 0109563) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Мучанов Мирахмад Рихсиевичга (ИНН 418444382) тегишли Гувоҳнома (Патент) ва думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"BALIQCHI GLOBAL" МЧЖга тегишли Миробод т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004092-03, 01.03.2011 й.) берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную справку форма № 18 за № 1143 от 07.03.2013 г., выданную на имя СП ООО "HI-TECH KABEL" о состоянии недвижимости "Мукомольный завод" находящийся по адресу: М.Улугбекский р-н ул. Асака, 50, выданную Управлением земельных ресурсов и Государственного кадастра г. Ташкента, считать недействительной.

Утерянный диплом выданый ТашГУ на имя Ахмедовой Дилдорахон Хотамовны №–002968, рег. № 44868 от 20.09.1994 г., считать недействительным.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "NAIMA SOF SHIRINLIGI" оилавий корхонаси (СТИР 302526671) тугатилади (ўзини-ўзи тугатиш тўғрисидаги 27.05.2013 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 919-85-48 тел. орқали қабул қилинади.


## МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальтерез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган

**T.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz**



## АГРОМАШ

ДИҚҚАТ АКЦИЯ!

**«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИ**



ЕНИСЕЙ-954 ҒАЛЛА ЎРИБ-ЙИҒАДИГАН КОМБАЙНЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР МАВСУМИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

**АКЦИЯ 1 ИЮНГА ҚАДАР АМАЛ ҚИЛАДИ**

**КОМБАЙНЛАР СОНИ ЧЕГАРАЛАНГАН.**

Тошкент ш., Ниёзбек Йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/11; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси жамоаси бошқарма ходими Абдуғафур Умаровга волидаи муҳтарамаси
**ҲУКУМ ая**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 236-56-25, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.**
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** С.САЙДИСЛОМОВ
**Мусаҳҳиҳ:** О.ОЧИЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-514, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

**Босишга топшириш вақти: 21.00**
**Босишга топширилди: 21.40**
22152 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5